

## ЛОЙИХАЛАРНИ ИЗЛАШ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

### Лойиха №848

### Мобил телефонларни импорт қилиш

#### Лойиханинг таснифи:

Ушбу лойиха мобил телефонларни Ўзбекистон бозорига олиб киришни ўз ичига олади. Дастлабки боскичда ушбу товарларнинг фақат улгуржи савдоси режалаштирилган. Бренд бозорда бирлаштирилгандан сўнг, уларни Тошкент шаҳрида йиғишни ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бу бизнеснинг даромадлилигини оширади.

Ўзбекистон Республикасидаги мобил телефонлар бозорининг сигъими қарийб 600 000 000 АКШ долларига баҳоланмоқда. Бугунги кунда танланган бренднинг асосий рақобатчиси Хиаоми (Хитой) га тегишли РЕДМИ ва МИ брендлари бўлиб, улар 2018 йилдан бери Хитой, Хиндистон, Россия, Жануби-Шарқий Осиё, Эвропа ва Африка бозорларида фаол рақобатлашмоқда.

Ўзбекистон божхона базасидаги статистикага кўра, 2019 йилда 1,5 миллионга Хиаоми мобил телефонлари расмий равишда олиб кирилган. Бир хил хусусиятларга эга қурилмаларнинг чакана нархи бизнинг импорт қилинган қурилмаларимизга нисбатан 5-10% юқори эканлигини ҳисобга олсак, уяли телефонлар бозорига катта улушни эгаллаш учун яхши имкониятлар мавжуд. Ҳозирда ойига камида 50 000 донани сотиш мумкин. Ҳозирги вақтда бизнинг қурилмаларимиз учун бундай микдорда улгуржи харидор мавжуд.

#### Лойиха муаллифининг ўз хиссаси: 8700 \$ шундан:

Асосан ички бозорни ўрганиш, ишлаб чиқарувчи билан, шунингдек ишлаб чиқарувчининг дилерлари билан музокаралар олиб бориш.

Лойиха учун керакли бўлган инвестиция миқдори: **\$ 4 033 000**

Лойиха муаллифининг ўз хиссаси: **\$ 8 700**


Инвестиция сармоясининг рентабеллиги: **80%**

Йиллик соф фойда: **\$ 3 598 548**

Инвестиция жалб қилингандан сўнг лойихани амалга ошириш муддати: **2 ой.**

Лойиха бўйича қўшимча маълумот олиш учун:  
**+99898 338 93 33**  
**+99890 925 96 81**

[info@uzinvest.uz](mailto:info@uzinvest.uz)



[info@uzinvest.uz](mailto:info@uzinvest.uz)



<https://t.me/uzinvestuz>



+998983389333,+998909259681

**Керакли бўлган инвестиция пул миқдори: 4 033 000 \$ шундан:**

№	Номланиши	Сони, дон	Сумма, \$
1	Мобил телефонлар	37 000	3 959 000
2	Транспорт харажатлари	37 000	74 000
<b>ЖАМИ</b>			<b>4 033 000</b>

**Ойлик даромад:**

Улгуржи харидорлар учун - 12% маржада сотсак, **483 960 \$** бўлади.

**Ойлик харажатлар:**

№	Номланиши	Сумма, \$
1	Иш хаки 5 кишига	4 000
2	Маъмурий харажатлар	1 000
3	Омбор ижараси	600
4	Банк комиссияси 0,5%	23 400
5	Реклама харажатлари	5 000
6	Солик қисми куйидагича бўлади: ККС 15%	72 594
7	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 15%	61 704
8	Дивиденд солиғи 5%	15 783
<b>ЖАМИ</b>		<b>184 081</b>

- Йиллик даромад:  $483\,960 \$ * 12 \text{ ой} = 5\,807\,520 \$$ .
- Йиллик харажатлар:  $184\,081 \$ * 12 \text{ ой} = 2\,208\,972 \$$ .
- Йиллик соф фойда:  $5\,807\,520 \$ - 2\,208\,972 \$ = 3\,598\,548 \$$ .
- Инвестиция капиталани рентабеллиги: **80%**.
- Инвестиция жалб қилингандан сўнг лойиҳани амалга ошириш муддати: **2 ой**.

Фойданинг тақсимланиши: Инвестор киритган сармояси тўлиқ қоплангунига қадар фойданинг **90%**га эгаллик қилади, лойиҳа Муаллифи эса **10%**. Инвесторнинг киритган сармояси тўлиқ қоплангач Инвестор бизнесда **70%** улушини сақлаб қолади.

